

ҚАМБАР ЎТАЕВ

ДИЙДОР

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

УЗ
У 90

У $\frac{70403 - 250}{M 352 (04) - 80}$ Доп. 81 1702570200

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
1981 й.

БАҲОР КУНЛАРИДА

Яна хандон кулиб келади баҳор,
Унутилар қишининг аччиқ аёзи.
Майини куйлаб оқар малла тўн анҳор,
Жўр бўлар қушларнинг ошно овози.
Далалар кўз ёрган онадай хушҳол,
Қалби нурга тўла, бағри — кўкатга.
Кеча ҳам, кундуз ҳам келмайди малол,
Сийнасини тутган ҳар бир кўчатга.
Мана, саҳий Қуёш оташ тафтида
Оламини исита бошлар бир пасда.
Гўё у жаҳонни олар кафтига,
Нурли рўмолчаси сиргалар аста...
Шабнам қатраларини бирма-бир артиб,
Бутун ер юзини поклаб юрар у.
Кўз илгамас кичик заррадан тортиб,
Одамлар руҳига бир-бир кирар у.
Бир дамда дунёни қилгандай тоза,
Атроф шундай тиниқ, шундай бокира.
Ерин тўйиб қучгинг келади роса,
Кўклардан ажралгинг келмайди сира.

Ястаниб ётибди келинчак — шудгор
 Меҳр уругидан бўлиб умидвор.
 Бедор тарашларкан тонгда кокилин,
 Етилган ер очар деҳқонга дилин.
 Пайтида қилинган меҳнат кўп улуғ.
 Дилларни қувнатиб, кўз ёрар уруг.
 Бир текис сабзалар гўё ҳар саҳар —
 Баравар дегандай: «Ассалом, баҳор!»

Шапалоқ барг ёзар далаларда тут.
 Ипак қурт лабига секин қўнар қут.
 Урикнинг гуллари очилган қийғос.
 Шошилиб таъм йнгар олчаю гилос.
 Деҳқоннинг оғзига тегар қулупнай.
 Шаҳарга лола йўл олар, келгач Май.
 Мурувват, хислати ҳаммага ёқар,
 Ҳаммани теппа-тенг кўради баҳор.

Юз йиллик чинорлар секин тебранди.
 Қиш бўйи ухлаган тоқлар уйғонди,
 Сўридан томларга ўрмалар аста.
 Кекса тол ўй сурар маъюс, дилхаста..
 Нозанин олмалар кенг қулоч керар,
 Шафтоли тирговуч хаёлин сурар.
 Деҳқоннинг умиди қилади бедор,
 Дилларни орзуга тўлдирар баҳор.

Ҳар кун тонг отганда
 Қуёш кўтарилб,
 Бахтдай қўнар чўққи бошига.
 У қуёшни боши узра олиб,
 Сўнгра опичлаб ёнбошига,
 Далага узатади.
 Юксакларда туриб
 Ернинг жамолини кузатади.
 Дўстлар, шу чўққига
 Келади ҳавасим,
 Унда энг аввал тонг отади.
 Бахт қуёши келиб қўнганда бошига.
 Шурларини бир ўзи олмас.
 Гарчи музлаб ётар,
 Гарчи нурга ташна
 Қуёшни мангу тутиб қолмас.
 Майлига ҳаловат билмаса ҳам,
 Аммоки уятдан боши бўлмас хам.
 У йўллаган қуёш
 ёритар ер-кўкни,
 Шундай қилмаганда, эҳтимол,
 Бўлмас эди юксак,
 Аталмасди чўққи.

Түрт томон хувиллаган сахро,
 Гармселда тимдаланган гнѐхлар.
 Унутилган қудуқ ночор, тоқ, таиҳо
 Қўмила-қўмила жон сақлар,
 Бир вақтлар ҳаёт манбаи бўлган,
 Чанқоқни қондирган, ато қилган куч.
 Бағри қайта-қайта яшнаган, тўлган —
 Ҳаёт бермоқдай улуғ ниға ўч...
 Бу бир буюк қалбни ёдга солади.
 Ундан ҳаёт олмоқ, қонмоқлик осон.
 У ўз умрини қайта яшай олади,
 Фақат сен қалбига қўл солсанг, инсон!

Жуда қийин бұлар,
 Жуда ҳам оғир,
 Кимгадир нонлож
 Кулиб очсаңг бағир.
 Сездирмай бошингда
 Оқ сөч пайдо бұлар.
 Юрагинг тоғ бұласа ҳам
 Эрта адо бұлар.
 Таъбинг ёқтирмаган
 Ишга кўл урсаңг,
 Хамма бало шуңда:
 Кўз билан кўрсаңг
 Бўгзиндан чиқмаса
 Билган, кўрганинг,
 Сиртдан кулиб,
 Юрсаңг ичда ўртаниб.
 Мапа сенга иифаркк
 мнокард —
 Ички алам, зиқлик
 Тугиб берган дард.
 Бекорчи кўлгидан,
 Гам чекмоқ — шараф.
 Баъзан кулги — совуқ,
 Гам эса офтоб.
 Узгалар гамини
 Чекканинг дамда

Руҳинг холос бўлар
Тамоман ғамдан.
Узингни ҳеч қачон
Сезмассан ғариб,
Ажабмас, бу ғамдан
Борсанг ёшариб.
Кўрган, билганингни
Сўзласанг дадил,
Юрак буюрганни
Ижро этса тил,
Қувонч қучиб турса,
Дўстларинг ёнда,
Бундан ортиқроқ бахт
Бўлмас жаҳонда.

Мен бир қўриқ ерни тахлаб олганман.
Унга бор кучимни тўкиб солганман.
Бўлиқ тупроғини ундай эладим,
Ошиқ юрагимни қориб беладим.
Бу ерга умидим экилгани рост,
Ҳа, ризқу насибам тикилгани рост.
Уни топтатмасман ҳеч кимга асло.
Зеҳнимдан суғориб ўстирдим расо.
Ҳа, ҳосил кутяпман, бир буюк ҳосил,
Донаси, толаси, уруғи асил!

Учоқда осиглиқ каттакон қозон.
Учоқда ловуллаб ёнади олов.
Қозонга уриниб тушда, кеч, азон
Оловли ўчоққа эгилар биров.
Бағримда ўт ёнар,
Ёнар бетиним,
Менинг ҳам бағримга эгилар биров.
У кимдир?
У кимдир?
Ёрим ё дўстим?
Ажабмас, бағримдан ахтарар олов?!

Далада қор ёғар,
Бола чопқиллар,
У қорни соғинган, қорни қучоқлар,
Думалаб туради ва яна қулар.
Аёздан ачишар қўллар, дудоқлар...
Далада қаҳратон,
Далада бўрон, —
Қичқириб кўчада сурон солади:
Бўронни соғиниб қаршилар болам!
Биламан: бир кун пайқаб қолади:
Бўрондан иборат эканини олам!

Ваҳима босади, мени ваҳима,
Қабристон ёнидан ўтган чоғимда.
Эй, дўстим, сен буни қўрқувдан дема,
Йўқ! Алам ёнади менинг бағримда.
Одамлар уруғдай сочилиб ётар,
Ҳаммаси кундан-кун силқиб чирийди.
Майлига, номарди чирисин баттар,
Яхшилар кўкариб чиқса қанийди...

Узоқ-узоқларда
Бир саксовул бор.
Танаси бурушиқ, қийшиқ, —
Жанг кўрган чолларга ўхшайди.
Қумлоқларга ёнбошлаб
Чала ухлайди,
У билар: олдда довул бор,
Қарсиллаб ёрилар аёзда,
Чанқоқликдан тинкаси қурийдн ёзда.
Аммо йиқилмайди...

...Ёнимда кимлар бор, —
 ўйлаб юраман:
Бирларининг юзи мрамардай совуқ,
Бирларнида савлат бор,
 миялари қуруқ...
Узоқларда заҳматкаш бир саксовул
 бор,
Бурушиқ юзида олов кўраман...

Дарахтлар одамга қўлларни чўзади ..
Мевасин тотамиз.
Соясида ёнбошлаб ётамиз:
«Шундай садоқатли,
Шундай мард
Деҳқонга,
Дарахтга раҳмат»
Кабир сўзларни ич-ичдан айтамыз.
Ва ҳар биримиз истаймиз.
Дунёдаги дарахтлар
Сояли, салқинли, мевали бўлсин,
Одамлар мевали
Боглардай кулсин.

ЯМ-ЯШИЛ ДАРАХТЛАРИМ

Дарахт ўтқазганларга,
Мева етказганларга
Минг шарафу минг таҳсин.
Кўзга суртиб тупроғин,
Кезганда Ватан боғин
Жонланар фахр баҳсин.

Менгадир улуғвор бахт —
Ўзим ўтқазган дарахт.
Келинг, сояланг бир дам.
Ям-яшил дарахтларим,
Армон, ишонч, аҳдларим
Бўлгай хизматда ҳар дам.

Шовуллар куйчи ўрмон,
Ноёнсиз яшил хирмон,
Лаззатдан ҳислар ҳайрон.
Сочимни силар барглар,
Ҳолимни сўрар барглар
Боғ аро юрсам сайрон.

Бир умр яшнаб тургай,
Лаззатли мева бергай
Ям-яшил дарахтларим.
Сояси ёзар ҳордиқ,
Боғбондан бу боғ тортиқ —
Ям-яшил дарахтларим.

ОЛМА ЕТИЛИБДИ

Олма етилибди бу боғда, олма,
Қирмизи юзидан кўз қамашади.
Олма етилибди бу боғда, олма,
Утганлар суқланиб кўп қарашади.

Шу гўзал олмага қурт тушмасин
Қушлар чўқимасин — ҳусни ошади.
Гард ҳам қўндирмасдан, асраб
Жамолига боқсанг хўп ярашади.

Ариқлар буйида буй тарар ялпиз,
 Атрофга бир буйли куй тарар ялпиз.
 Сенниг ҳам баҳорниг келди-ку, эй
 қиз,
 Нечун ўтирибсан соч тараб ёлғиз?

Ариқдай чулдирар бир йингит қалби,
 Севги савдосидан ҳайронми ақли?
 Сездингми, кимнидир излашиб қолди,
 Ялпизли ариқдай исланиб қолди.

Поэтик димоғингга урилар бир ис.
 Илк дафъа қалбингга кирар буюк ҳис.
 Журъатсиз хаёлга толганда ёлғиз
 Имлайди ариқлар буйида ялпиз.

АНҚО ҚУШ

Анқо қушим, бахт қушисан, яхшиликда
танҳо қуш,
Уруғини орзу қилиб юрганлар кўп,
анқо қуш.
Ҳислатингни асрагину, асло танҳо
бўлмагин,
Бошларга қўн, юракларда уя қургин,
ўлмагин,
Уруғингни яшир, майли, ифлос қўллар
олмасин,
Унга илҳақ бўлганлар ҳам, уни топмай
қолмасин.

ҚАДИМГИ ТОШЛАР

Ибтидо давридан бу кунга қадар
Одамлар тошларни тарашлар, безар.
Мана, турли замон тошлари қатор,
Ҳар бири давридан беради хабар.
Аждодлар бағрига ўйиб ёзганин —
Севгию садоқат, дўстлик дostonин,
Тошлар ишончга бўлай деб содиқ,
Ер тагида асрлар кўмилиб ётиб,
Бизнинг даврларга олиб келгандир.
Садоқат ўлимдан ғолиб келгандир
Бу тошлар ҳар кимни ҳайратга солар:
«Мунчалар донишманд қадим
боболар?!»

Ажаб, ҳаётнинг оғир замонлар
Тошга ишонганлар инсонлар.

УМР СУВДАЙ ОҶАР

Умр сувдай оқар... чекасан афеус,
Хўш, умринг оқмасин—истайсанми ё?
Сув теккан жойларки, лолагун —
қирмиз,
Сув оқар ортидан таратиб зиё.
Умринг сувдай оқса нима каминг бор,
Умрингдан қониқса ҳар ташна юрак.
Сув бўлиб оқсангу, ортга боққан бор,
Кетингда порласа сен ёққан чироқ,
Умринг сувдай оқса нима каминг бор...

КУТИШ ЗАЛИДА

Кутиш зали.
Лиқ тўла одам —
Бутун қалбдан ҳаяжонланиб,
Кутувчи ҳам,
Кузатувчи ҳам
Поезд келгач кетар жонланиб.
Кутганларнинг келса шод-хуррам,
Кузатганинг соғ-омон борса,
Кутишдан ҳам,
Кузатишдан ҳам
Борми ширин,
Гаштлироқ нарса?!

Тунги сменадан қайтардим ҳорғин,
Уйқу босар эди,
Йўлда мудрардим.
Ҳатто қимирламас дарахтлар барги,
Эриниб оёғимни зўрға судрардим.
Бир вақт ўтаётиб кўприк устидан,
Кўз олдимда бир қора кўринди.
Гўё чиқиб келиб кўприк остидан,
Юрсам пешонамга келиб урилди.
Шошилиб қолибман —
Ким бўлди экан?
Эгилиб тош олдим.
У ҳам олди тош.
Туну кун эргашиб дўстингман деган —
Соям эканлиги бўлиб қолди фони.
Бу бир соя экан —
Қутулдим осон.
Ҳаётда сал ҳориб мудраган пайтинг,
Номард пешонангга уради баъзан,
Бундан қутулишининг йўлини айтинг!

Денгиз нега нотинч,
Нега безовта?
Тинимсиз кўтарар нечун галаён?
Денгизнинг бошига тушган бу савдо
Асрлардан бери ўзига аён.
Балиқлар амаллаб умрини ўтказар,
Бўронлар завқини тушунмас мутлоқ.
Бўронлар нчида сузар беозор,
Қизиқтирмас асло кенглик ва қиргоқ.
Денгиз безовтадир асрлар оша:
Паҳотки балиқлар шу тахлит яшар?!

Ёшликда айб қилгандирман —
Эмасман-ку фаришта.
Балки мен сал хаёлпараст,
Ишим эмас саришта.

Сен шунчаки омадлисан,
Сенга ҳавас қилмайман.
Ҳасадларда қоврилсан,
Мен ҳасадни билмайман.

Заҳар-заққум сўзинг билан
Дерсан балки: тузлайман...
Ҳузурингда лол тураман,
Пишагимни бузмайман.

Кўрганмисан ўзинг, ўйла,
Бўлганми тиз чўкканим.
Менинг сукут сақлаганим —
Сени бошлаб сўкканим.

Оҳужон, жон оҳу, айбинг кўзингда,
Кўзингни яширгин айёрлардан сен,
Ўзингни яширгин сайёдлардан сен.
Оҳужон, жон оҳу, айбинг кўзингда.
Ўтиниб сўрайман фақат ўзингдан,
Ҳуда-беҳудага сирли боқмагин,
Дуч келган юракда олов ёқмагин.
Оҳужон, жон оҳу, айбинг кўзингда.
Юрагим эргашар ҳамон изингдан,
Йўлингга кўринмас домлар қўйилган,
Балки фақат менга шундай туюлган,
Оҳужон, жон оҳу, айбинг кўзингда.
Ўзинг завол бўлма фақат ўзингга.
Кўзингни яширгин айёрлардан сен,
Ўзингни яширгин сайёдлардан сен.
Оҳужон, жон оҳу, айбинг кўзингда...

* * *

Япроқлар сарғаяр. Қайтадан яшнар.
Гиёҳлар ўзгартар балки рангини.
Ўзгарар давр. Кўк. Замин ва башар.
Ўзгарар жонворлар, қушларнинг уни.
Шоирлар шуҳратнинг тахтидан қулар,
Созларин жаранги туюлар сохта.
Шунда ҳам олам ниққ сасига тўлар,
Қўшиқлар жаранглар муҳаббат ҳақда.
Мангуга севгининг қиммати ошар,
Фақат у оламни яшнатиб яшар.

Мен сени изладим,
 Узоқ изладим.
 Термилдим қуёшга,
 Термилдим ойга,
 Туилари юлдузлар
 Тўлса чиройга,
 Ухшашини топмасдан
 Ичдан бўзладим.
 Мен сени шеърдан ҳам
 Кўпроқ изладим.
 Сен келдинг — шеър келди,
 Илҳом париси,
 Мана, шеър лаззати,
 Мана, гул иси.
 Мен сени шунчалар
 Муштоқ изладим.
 Уйладим, куйладим,
 Югурдим, чондим.
 Қуёш кўз узмади
 Нақ мен томондан,
 Ой, юлдузлар суқли
 Боқди осмондан,
 Жаҳон ҳам суқлансин,
 Мен сени топдим.
 Мен сени топгунча
 Асло тинмадим.

Ен дедим қалбимга
Қилмадим шафқат,
Сени ҳам, шеърни ҳам
Изладим фақат.
Мен ўзга тақдирга
Асло кўнмадим.

Саҳна... Саҳро...
 Ва ишққа тўймаган — Мажнун,
 Мажнунга қонмаган — Лайли.
 Лянчли қисмат...
 Олдда бало...
 Саҳна жим:
 Ошиқ жим.
 Бевафо — жим.
 Ошиқлар кўзида ишқ ёши.
 Бевафолар қалбида алам
 ва озгина раҳм...
 Раҳм этманг, эй, сиз!..
 Эсиз... эсиз!..
 Мажнун — магрур,
 Лайли — магрур,
 Магрур ўлади,
 Бевафолар устидан мангу кулади.

Амин бўл, дўстгинам, шундай кун
яқин,
Қуёшдай мусаффо, севгидай тоза.
У кундан одамзот олгай андоза,
Ҳар ким шод сўзлагай қувончин,
бахтин.
Дунё қушдай енгил, ғамлардан озод,
Ўт ёнар кишилик табассумида.
Ҳар ким юз йил умр кўрар камида.
Топилмас севгини хўрлаган бир зот...
Ҳозирдан тузатгин бор қусурингни,
У кун айтсанг уят сен узурингни.

Янги йил баҳона, минглаб,
миллионлаб
 Арчани одамлар келдилар олиб.
 Ҳар ким ўз уйида маъқул жой танлаб,
 Ҳар ким билганича берди унга зеб.
 Умрида кўрмаган эъзоз, ҳурматдан,
 Тақинчоқ, ҳашамдан вужуди ҳайрон.
 Қаранг-а, беҳосдан келган омаддан,
 Арчага кўз тикмиш бутун бир жаҳон!
 Бойликлар беҳисоб, улуғ мартаба,
 Ранглар қуршовида турар аломат.
 Бу пайт эсларми у, бирон мартаба,
 Кўрсатдим экан деб қандай каромат.
 Завқ-шавққа маҳлиё бўлиб қолар у,
 Нималарга қодир алдоқчи шуҳрат.
 Ҳаёт бир шунчаки байрам эмас-ку,
 Олда бор хизматга яраша қисмат.

Кўкин қора булут қоплайди баъзан,
Момақалди роқ дўқ ура бошлар.
Кўнглим ҳам қоп-қора булутдай
хуфтон,
Ҳатто яшин нури дилимни гашлар.
Бирдан шаррос қуяр бошимдан ёмғир,
Товуқлар панага қочиб қолади.
Ошиқларга ёмғир гўё байрамдир.
Севганларин бир четда қучиб олади.
Кўпдан сув кўрмаган ҳар ташна кўкат
Ичиб улгурмасдан ер тишлай бошлар.
Сув бўғиздан ошса, бу ҳам бир ўлат,
Ёмғир яксон қилиб, эзғилаб ташлар.
Ёмғирдан сўнг қай бир кўкатлар
хандон,
Ҳаётда қаддини тиклаб олади
Ва қай бир кўкатлар бўлади гумдон,
Ерга ёпишганча барглар қолади...

* * *

Нозиккина синглим, сени билмаганлар
Бир нозик адодир, дейиши мумкин.
Меҳнатинг ҳис қилиб, ўйласа лекин
Ҳайратда танг қолар, кўзга илмаганлар.
Филлар кўтаролмас терган пахтагани,
Қанча хирмонларинг уйилиб ётар.
Бир четдан поездлар пишқириб тортар.
Манглай тер, меҳнатдан топдинг
бахтингни.

Юракдан таниса сени агар ким,
Ростдан сеҳрлисан, эй нозик синглим.-

Ш А М О Л

Дераза, эшикка ўзин уради,
Ҳаловат билмайди,
Билмайди тиним.
Далага югурар, уйга киради
Ва лекин ҳеч жойда тополмас қўним.
Гўё беватандай инграб изғийди,
Аммоки Ватани йўқлиги ёлгон!
Асрлар дунёни кезиб дайдийди,
Уни вафосизлик шу кўйга солган.

Бу мутлақ ҳақиқат,
Эмасдир эртақ,
Бир катта қарвонин
Ғақлар эшак.
Юки ярим йўлда
Оғир қолмасми,
Адашиб, тентираб
Қарвон толмасми —
Бундай ўй хаёлдан
Ўтар албатта.
Бир буюк ҳақиқат
Бордир ҳаётда:
Қарвон измимда деб,
Гердаяр эшак.
Сарбон уни миниб
Хилалар бешак.

ОШИҚЛАРГА НАСИХАТ

(Ҳазил)

Уни ўйлаб,
Тунлар дардли тўлғонаман
У ўт қалаган оловда ёнаман.
Оҳим тутаб,
Ёстиғимни ҳўллаб кўз ёшим
Ярим кеча чўчиб-чўчиб
уғғонаман.

Уйқум қочади..
Лабларим қурнишб ухлаб
қоламан,
Сирли тушлар қучоқ очади;
Тушимда ётар у
Хомуш ўй суриб,
Ухлаётган эмиш гўё туш
кўриб.

Мен меҳрим нурида сочин
снлайман,

Титраб, тортишб ундан сўрайман:

— Севасанми?..

— Ваъда бердим —

ишонмайсизми?

— Ишонаман.

Учрашайлик, дейман.

— Майли, дейди.

— Қаерда?

— Шу ерда.

— Бу туш-ку, дейман.
— Туш бўлса-чи, дейди.
Уйғониб кетади.
Қўлимдан тутаяди.
Кетдик дейди.
Чошишамиз.
Қундуз аразлашиб
Тушда тошишамиз.
Севги мураккаб,
 соғинасан киши,
Бехушсан, кўринмай қолса
 қораси
Истайман, ўнг келсин
 муҳаббатнинг туши.
Қийнайди тошилмай қолса
 чораси.
Қизлар оҳ-воҳга парво қилмайди.
Юрагига кириб,
 юрагида қолинг.
Тушига кирмасангиз бўлмайди,
Тушига кириб ваъдасини
 олинг,

ТОШБАҚАНИНГ БОЛАЛАРИГА ЎГИТИ

Болаларига тошбақа
Дер гоҳо:
Қўп юрдим,
Қўп кўрдим
Лаззатни,
Иззатни.
Ўз маконимда —
Тош қўрганымда
Беминнат яшадим,
Ризқимни ошадим.
Дунёни сув босса
Менга нима?!
Мен сувда — кема.
Тошбақа авлодига
Ганим шу: гам ема!..
Аммо бўлар экан
Ҳар кимда ганим,
Тезлик — душманим.
Энг ёмон кўрганым
Юксакли — парвоз.
Сал кўкка қарасам
Қисилар нафас.
Тошбақажонларга
Қилурман ўғит:
Дунёда юксаклик
Борлигини унут!

Судраниб,
Мудраниб
Умринг ўтса ҳам
Шукрона билдиргини ҳаётга ҳар дам.
Мана, мен беозор узоқ яшадим,
Бу камтар умримга
Ҳайкал ясадим.
Ҳеч кимга ҳеч қачон бермадим халал,
Нима қилган бўлсам—ҳаммаси ҳалол,
Хуллас калом, сиз ҳам ишлатиб
Бошни,
Билинг тошбақаларча яшашни!

ТУЛКИНИНГ ДЕГАНИ

Мен хушёрман,
Эмасман бахил.
Хулқ-авторим
Ҳаммага аён
Мана, турфа йиллардан буён
Ўргатурман оламга ақл.
Ҳали ҳам бор
Ўша соддадил,
Бўшатувчи бўрини қопдан,
Илон сенга бўлармиди эл,
Мажақлагин бошин обдан.
Агар инсон бўлмаса содда,
Яхшиликни сақларди ёдда.
Сув сепганда
Чиқмаган саси,
Паст деганда
Паст бўлган боши —
Ўша гўнгхўр товуқлар учун
Жонимга қасд қилишар нечун?
Хушёр,
Айёр бўлмасликка ҳеч
Бу ҳаётда йўқ зарра ҳаққим.
Шудгордаги қуйруқни десам,
Қопқонга тез тушардим балки,
Ўрмонда ё саҳрода овчи
Бекор юрмас милтиқ кўтариб,

Мўйнамга кўз тикар йўловчи,
Ғафлат итра қолмасман гариб,
Қимлигимни қилмасман баён.
Ҳаммаси беш панжадай аён.
Мен тулкиман,
Турибсан кўриб,
Рақибимга берурман фириб.
Аммо зинҳор эмасман бахил,
Товуқларга эмас ҳар холда
Ургатурман одамга ақл.
Уйлаб кўргин, азизим, ақлан
Сен илондан, бўридан сақлан!
Кўйсанг ҳамки изимдан този,
Қийналсанг, мен ёрдамга рози.

ОЛМАХОН

Айлана гилдирак ичра олмахон
Қувончданми тинмай чопиб юрибди.
Хаёл ҳам қиларсиз шундай ногаҳон:
«Қаранг-а, йўлини топиб юрибди».
Донмо жонсарак, донм беҳузур,
Югуриб-елади ҳеч тиним билмай,
Қизик, у йўлидан адашмас бир қур.
Умрини ўтказар асло йиқилмай...

ТҮРТЛИКЛАР

Тикувчи, қалай аҳвол,
Сиз жуда ҳам балосиз,
Қийинтиришдан аввал
Ечинтириб оласиз.

Бу пақир оддийдир,
Сахийдир, дўстим.
Эгилиб, чанқоғни
Қондирар ҳар ким.

Дами ўткир пичоқни
Чархлама дарров.
Унга қайроқ кифоя,
Урилмас эгов...

МУНДАРИЖА

Баҳор кунларида	3
«Ястаниб...»	4
«Ҳар кун...»	5
«Тўрт томон...»	6
«Жуда қийин...»	7
«Мен бир...»	9
«Ўчоқда...»	10
«Далада...»	11
«Ваҳима...»	12
«Узоқ-узоқларда...»	13
«Дарахтлар...»	14
Ям-яшил дарахтларим.	15
Олма етилибди	16
Яллиз	17
Анқо қуш	18
Қадимги тошлар	19
Умр сувдай оқар	20
Бахтиёр санайсан ўзингни	21
Кутиш залида	22
«Тунги сменадан...»	23
«Денгиз нега нотинч»	24
«Ёшликда айб...»	25
«Оҳужон...»	26
«Япроқлар...»	27
«Мен сени...»	28
«Саҳна...»	30
«Амин бўл...»	31
«Янги йил баҳона...»	32
«Кўкни...»	33
«Нозиккина...»	34
Шамол	35

«Бу мутлақо ҳақиқат...»	36
Ошиқларга насихат	37
Томбақанинг болаларига ўғити	39
Тулкининг дегани	41
Олмаixon	43
Тўртликлар	44

На узбекском языке

КАМБАР УТАЕВ

ВСТРЕЧА

Стихи

Ќўтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор *Ш. Раҳмонов*

Рассом *В. Памировский*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактори *Э. Саидов*

Корректор *К. Қайумова*

ЇБ № 1715

Босмахонага берилди 7. 01. 81. Босишга руҳсат этилди 5. 02. 81.
Р 04319 • Формати 70x90 1/32

Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитурга. Юқори босма.
Шартли босма л. 175. Нашр. л. 1,1. Тиражи 5000. Заказ № 2.
Баҳоси 15 т.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Ќовкент
700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.
Бекобод 1981 й.

Утаев, Қамбар.

Дийдор: Шеърлар. —Т.: Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1981.—48 б.

Қамбар Утаев «Ватан тупроғи» (1976) шеърий тўплами
билан шеър мухлисларига яхши таниш. «Дийдор» Қамбар
Утаевнинг навбатдаги шеърий тўпламидир. Унга Ватан,
Инсон, Бахт ва Муҳаббат мавзuidaги шеърлари киритилди.

Утаев, Қамбар. Встреча. Стихи.

Уз 2.